№ 52 (337) • 2011 йил 29 декабрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



*Қадрли ўқувчилар!*

*Мана, бу йилимиз ҳам поёнига етиб қолди. Остонада бизни янги орзу-умидлар, ният-мақсадлар, улуғ меҳнат зафарлари билан қарши олаётган янги – 2012 йил турибди. Бу йилнинг давлатимиз раҳбари таклифи билан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳаммамизда мамнуният ҳиссини уйғотгани рост. Чунки ҳар бир киши – қайси касб-лавозимда ишламасин – авваламбор ўз оиласида ҳақиқий бахтни топади. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек «...оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор».*

*Биз барча обуначиларимиз, газетамиз ўқувчилари, ҳамкорларимиз ва дўстларимизни янги йил билан қутлар эканмиз, биринчи навбатда уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилаймиз.*

*Келгуси йилда ҳам газеталаримиз ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда асосий ўқувчиларимиз ҳисобланмиш бухгалтерлар, корхона – ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари, аудиторлар, тадбиркорлар учун қизиқарли ва фойдали бўлган мавзуларда материаллар чоп этиш, муштарийлар саволларига экспертлар жавобларини бериб боришда давом этади.*

*Янги йилда ҳаммангизнинг эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!*

***Таҳририят жамоаси.***

## ЯНГИ ЙИЛ НИМА ОЛИБ КЕЛАДИ?




***Халқимизда «фолбинга ишонма, лекин фолсиз юрма» деган гап бор. Янги йилда бизни қандай янгиликлар кутмоқда, қонунчиликда қандай ўзгаришлар юз берди? Бу саволларга жавоб излаш учун эса биз фолбинга бориб юрмасликни маслаҳат берамиз. Газетамиз таҳририятининг экспертлари мамлакатимиз иқтисодиёти, ишлаб чиқарувчилар манфаати ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш сингари ўнлаб соҳаларни ўз ичига қамраб олган қонун ҳужжатлари юзасидан ўзларининг қисқача изоҳларини тақдим этишади.***

4-бетда

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

### ШҲТ КОНВЕНЦИЯСИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

**2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-309-сон Қонун билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенцияси *(Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь)* билдириш ва шарт билан ратификация қилинди.** Конвенциянинг бажарилиши учун масъул бўлган ваколатли органлар Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасидир. Конвенция қоидаларининг юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкини жиноий жазо чораси сифатида мусодара қилишни қўллаш мумкинлигига доир қисми миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги сабабли Ўзбекистонда қўлланилмайди.

### ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Президентнинг 2011 йил 14 декабрдаги ПФ-4391-сон Фармони билан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.** Уларда «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси», «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси», «Ўзгўштсутсаноати» уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилди.

Фармонга биноан Президентнинг баъзи ҳужжатлари ўз кучини йўқотди.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги 325-сон қарори билан айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.** Уларга мувофиқ, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси», «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси», «Ўзгўштсутсаноати» уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилди.

Қарорга биноан ҳукуматнинг баъзи ҳужжатлари ўз кучини йўқотди.

### «НАВОИЙАЗОТ» МУАССИСЛАР ТАРКИБИДА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги 326-сон қарори билан «Uz-Kor Silicon» МЧЖ қўшма корхонаси муассислари таркибига «Навоийазот» ОАЖ кириши маъқулланди.** Қарор билан «Uz-Kor Silicon» МЧЖга 2011 йил 31 декабргача қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатлари параллел ишлаб чиқилиши билан биргаликда амалга оширишга рухсат берилган.

### ИМПОРТ БЎЙИЧА 180 КУН ЎТГАНИДАН КЕЙИН

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 декабрдаги**

2-бетда

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

**337-сон қарори билан тадбиркорлик субъектларини уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари учун табиий газ билан узлуксиз таъминлаш юзасидан газ билан таъминловчи ташкилотларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилиши учун масъулиятини ошириш мақсадида ҳукуматнинг айрим қарорларига қўшимчалар киритилди.**

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидалари *(ВМнинг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган)* газ етказиб берувчи, газ узатиш ташкилоти ёки ҳудудий газ таъминоти корхонаси газ етказиб бериш шартномасига кўра истеъмолчига газ етказиб берилмаслиги ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги оқибатида етказилган реал зарарни ва бой берилган фойдани қоплашлари керак.

Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низом *(ВМнинг 2005 йил 26 майдаги 132-сон қарорига 1-илова)* ҳам худди шундай қоида билан тўлдирилди.

## МАРКАЛАРНИ «АГРОБАНК» БЕРАДИ

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 21 декабрда 589-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди.**

Уларга мувофиқ, энди «Агробанк» ОАТБнинг минтақавий бўлимлари акцизли маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи корхоналарга акциз маркаларини ари[illegible]асосида *(олдин – квитанциялар асосида)* беради[illegible]ларни олиш учун улар ДСИнинг ёки ДБҚ ҳудудий органининг масъул ходими томонидан тасдиқланган буюртманома билан «Агробанк»нинг минтақавий бўлимига мурожаат қилишлари лозим.

**2011 йил 31 декабрдан кучга киради.**

## КЎЧИРМА НУСХАЛАР КАМАЙДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 21 декабрда 954-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди.**

Экспорт қилувчи бартер контрактларини ҳисобга қўйиш чоғида – Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорининг кўчирма нусхасини, мева-сабзавот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқишга доир Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзолари ёки уларнинг тайёрлаш кооперативлари томонидан тузилган бартер контрактлари бўйича эса – туман ва шаҳар ҳокимликлари рухсатининг кўчирма нусхалари ва уюшмага аъзолик гувоҳномаларини тақдим этишни назарда тутган Низомнинг 2.1.5-банди ўз кучини йўқотган деб топилди.

**2011 йил 31 декабрдан кучга киради.**

## ПАСПОРТ РАҚАМИ КЎРСАТИЛМАЙДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 22 декабрда 510-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш киритилди.**

Унга мувофиқ, чет эл банкларининг корреспондентлик ҳисобварақларига импорт контрактлари бўйича олинган Ўзбекистоннинг миллий валютасидаги маблағлар кирилаётганида Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган импортчига хизмат кўрсатаётган банк тўлов ҳужжатида тўловнинг мақсадини ва фақатгина **тузилган контрактнинг рақамини** кўрсатади *(олдин импорт битими паспортининг рақами ҳам кўрсатилган).*

**2012 йил 1 январдан кучга киради.**

## АВТОТРАНСПОРТНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШДА ТЎЛАНАДИГАН ТЎЛОВЛАР

**Ички ишлар вазирининг буйруғи билан** (*АВ томонидан 2011 йил 21 декабрда 2303-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) **рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкалари тасдиқланди.**



Ҳужжат билан қуйидаги тўлов ставкалари ўрнатилган:

| *Т/р* | *Номи* | *Тўлов ставкалари* | *Изоҳ* |
|---|---|---|---|
| 1 | Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини *(кейинги ўринларда РЎДРБ деб юритилади)* автотранспорт воситалари учун бериш | ЭКИҲнинг 1,5 баравари | *Йўқотилган РЎДРБлари ўрнига янгисини бериш учун белгиланган тўлов ставкасининг 3 баравари миқдорида ундирилади. Йўқотилган эски намунадаги давлат рақам белгилари ўрнига янгисини бериш учун белгиланган тўлов ставкасининг 2 баравари миқдорида ундирилади. Транспорт воситасини рўйхатдан ўтказишда РЎДРБларини сақлаб қолиш учун белгиланган тўлов ставкасининг 50 фоизи миқдорида ундирилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ногиронларга имтиёзли шартларда берилган транспорт воситасига РЎДРБларини бериш учун тўлов ундирилмайди* |
| 2 | РЎДРБни мототранспорт воситалари, мотороллерлар ва тиркамалар (ярим тиркамалар) учун бериш | ЭКИҲнинг 75 фоизи | |
| 3 | Транзит РЎДРБ учун | ЭКИҲнинг 25 фоизи | |
| 4 | Яроқсиз ҳолга келган, бузилган ёки шикастланган бир жуфт РЎДРБ ўрнига янги РЎДРБ бериш | ЭКИҲнинг 1 баравари | |
| 5 | Яроқсиз ҳолга келган, бузилган ёки шикастланган бир дона РЎДРБ ўрнига янги РЎДРБ бериш | ЭКИҲнинг 50 фоизи | |
| 6 | Автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни сотиш учун бир дона маълумотнома-счёт бериш | ЭКИҲнинг 10 фоизи | |
| 7 | Автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш | ЭКИҲнинг 10 фоизи | *Нотариуслар томонидан бошқа шахсга бериш шартномалари тасдиқлангунга қадар автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) рўйхатга олинган жойдаги ёки битим содир этилган (сотиб олувчининг танловига кўра) жойдаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг органларида рақамли агрегатларнинг техник ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан кўрикдан ўтказилиши шарт. Кўрикдан ўтказиш учун тўлов ундирилмайди* |
| 8 | Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини бериш | ЭКИҲнинг 20 фоизи | *Гувоҳнома дубликатини бериш учун 5 баравар миқдорда ундирилади* |
| 9 | Автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш | ЭКИҲнинг 10 фоизи | *Техник кўрикка белгиланган муддат ўтмаган тақдирда мажбурий техник кўрик учун тўлов ундирилмайди, бирламчи рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари бундан мустасно* |
| 10 | Мототранспорт воситалари ва тиркамалар (ярим тиркамалар)ни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш | ЭКИҲнинг 5 фоизи | |
| 11 | Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий имтиҳон топшириш | ЭКИҲнинг 10 фоизи | |
| 12 | Ҳар бир қайта назарий имтиҳон топшириш | ЭКИҲнинг 15 фоизи | |
| 13 | Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун автомототранспорт воситаларини, шу жумладан транспорт воситалари таркибини амалий бошқаришда имтиҳон топшириш | ЭКИҲнинг 10 фоизи | |
| 14 | Ҳар бир қайта амалий бошқариш бўйича имтиҳон топшириш | ЭКИҲнинг 15 фоизи | |
| 15 | Ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш | ЭКИҲнинг 20 фоизи | *Йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг огоҳлантириш талони ўрнига дубликат бериш учун тўлов ставкасининг 5 баравари миқдорида ундирилади* |
| 16 | Ҳайдовчилик гувоҳномасига огоҳлантириш талони бериш | ЭКИҲнинг 10 фоизи | |
| 17 | Чет давлат фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва дипломатик хизмат ходимларига ҳайдовчилик гувоҳномаларни ҳамда унга огоҳлантириш талони бериш | ЭКИҲнинг 3 баравари миқдорида | |

**2011 йил 31 декабрдан кучга киради.**

***2011 йил 10 декабрдан 23 декабргача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.***

# ЯНГИ ЙИЛ НИМА ОЛИБ КЕЛАДИ?



1-бетда

## 2012 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ:

**четдан келтириладиган товарларнинг айрим гуруҳларини махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиш жорий этилмоқда**

Президентнинг 2011 йил 10 августдаги ПҚ-1595-сон қарори[1] билан жорий этилаётган тартибга кўра, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича четдан келтириладиган истеъмол товарлари уларнинг сохталаштирилиши ва такрорий фойдаланилиши эҳтимолини истисно этадиган ҳамда товар чакана тармоқда сўнгги истеъмолчига сотилгунга қадар унда сақланадиган махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиниши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги 324-сон қарори билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган четдан келтириладиган товарлар рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга деярли барча маиший техника (газ плиталари, совуткичлар, идиш ва кир ювиш машиналари, телевизион аппаратура ва кўплаб бошқа товарлар) киритилган. Идентификация белгиси (термотрансфер муҳрли штрих-код) божхона постининг масъул ходими томонидан сотилгунга қадар товардан ажратиб бўлмайдиган ҳамда товар чакана савдога қўйиладиган ўрамига ёхуд тўғридан-тўғри товарнинг ўзига қўйилади. Идентификация белгиларининг номинал қиймати ва маркировка қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ДБҚнинг Махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади;

**алкоголли маҳсулотларнинг энг кам нархлари ошади**

Молия вазирлиги ва ДСҚнинг қўшма қарори *(АВ томонидан 2011 йил 16 декабрда 2301-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан белгиланишича, 1 литр вино учун улгуржи-сотиш баҳоси ишлаб чиқарувчи корхоналар учун 2 000 сўмдан 2 200 сўмгача, чакана баҳоси эса – 2 500 сўмдан 2 700 сўмгача ошириладн. Коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотнинг энг кам улгуржи нархи 4 300 сўмдан 5 000 сўмгача, чакана баҳоси эса – 5 400 сўмдан 6 100 сўмгача оширилади;

**хусусий тиббиёт клиникалари Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари билан келишмаган ҳолда текширилади**

Президентнинг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хусусий тиббиёт муассасаларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари юзасидан ўтказилаётган текширувлар Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари билан қўшимча равишда келишилмаган ҳолда амалга ошириладиган Назорат идораларининг назорат функциялари рўйхатига киритилган;

**Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилинмоқда** *(Президентнинг 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарори)*;

**давлат муассасалари ходимларининг компьютер саводхонлиги текширилади**

2012 йил 1 январдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги 289-сон қарори билан тасдиқланган давлат тузилмалари ходимларининг ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари кучга киради. Қарор билан шунингдек Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди;

**«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонун** *(2011 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-301-сон)* **кучга кирмоқда**

У кредит ахбороти алмашинуви ва кредит битимининг ҳолати, у бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек кредит ахбороти субъектларининг кредит қобилиятини, молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборот тақдим этиш тизимини яратишга қаратилган. Бу ссуда капитали ажратиш муддатларининг қисқариши ва тўлов интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам беради;

**саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ ставкаси 5%ни ташкил қилади**

Президентнинг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармони билан белгиланишича, 2012 йил 1 январдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6%дан 5%га пасайтирилади;

**таксилар ранги бир хил бўлади**

2012 йил 1 январдан бошлаб Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом *(ВМнинг 2011 йил 18 майдаги 139-сон қарорига 1-илова)* кучга киради. Унга кўра такси сариқ рангда, Тошкент шаҳрида эса – «фил суяги» рангида бўлиши, уларда пломбаланган спидометрлар, назорат-касса машинаси, шунингдек тўловларни банк пластик карточкалардан қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминали бўлиши керак. Шу пайтдан бошлаб ушбу талабларга жавоб бермайдиган йўналишли таксиларга лицензия бериш тўхтатилиши керак;

**барча жаримага тортилганлар ягона базада ҳисобда туради**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сон қарори билан Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган бўлиб, унда 2012 йил 1 январдан бошлаб содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган тартибда ҳисобга олиш тизимини яратиш назарда тутилган;

**Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счётлар режаси** *(АВ томонидан 2010 йил 26 апрелда 2101-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **кучга кирмоқда;**

**паспортларни биометрик паспортларга алмаштиришнинг иккинчи босқичи бошланади**

Президентнинг 2009 йил 23 июндаги ПФ-4117-сон Фармони билан аҳолининг амалдаги Ўзбекистон фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқланган. Биринчи босқич 2011 йилда бошланган. Янги паспортлар республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга берилган. Иккинчи босқич 2012 йилдан бошланади, унда янги паспортлар Ўзбекистоннинг барча фуқароларига қонунчиликда белгиланган тартибда берилади;

**пишган ғишт ишлаб чиқарувчилар ЯСТ тўлашга ўтишлари мумкин**

Президентнинг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон қарори билан махсус печлардан фойдаланувчи пишган ғишт ишлаб чиқарувчи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбуриятлари сақланган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқи берилади. Мазкур қоида Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомда *(АВ томонидан 2009 йил 24 июлда 1985-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* янада батафсил тартибга солинган;

**электрон ҳисоблагичлар ўрнатмаган хўжалик юритувчи субъектлар чироқсиз қоладилар**

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 150-сон қарори билан Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида хўжалик юритувчи субъектларга ва маиший истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларини ўрнатиш жадваллари тасдиқланди. 2012 йил 1 январдан бошлаб, электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари ва аппарат комплексларини ўрнатмаган хўжалик юритувчи субъектларга электр энергияси етказиб берилмайди;

**давлат органлари электрон ахборот алмашинувига ўтадилар**

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майдаги 126-сон қарори билан Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этиш, 2012 йил 1 январдан бошлаб эса – улар ўртасида электрон ахборот айирбошланишини таъминлаш топширилди;

**бадиий гимнастика олимпия захираси спорт мактабида биринчи машғулотлар бошланади**

Мазкур Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби Президентнинг 2011 йил 27 августдаги ПҚ-1608-сон қарорига мувофиқ ташкил қилинган.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***эксперт-юристимиз.***



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1325-сон қарори 6-бандига асосан 2011 йилнинг 5 декабрида Марказий банк ва Ягона умумреспублика процессинг маркази билан биргаликда қайта ишлаб чиқилган «Банклараро тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда миллий валютада эмиссия қилинган пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан амал қилиниши лозим бўлган тарифлар» режаси ишлаб чиқилди.

МБ раисининг биринчи ўринбосари У.М.Мустафоев имзолаган 2011 йил 6 декабрдаги 10-14/1130-сон хат билан Марказий банк барча тижорат банклари бошқарувлари ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларидан ушбу тарифлар режасига қатъий амал қилиниш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилишини талаб қилди.

*Шу билан бирга, уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йил 18 июлдаги 10-14/684-сон хати ва унга илова қилинган тарифлар режаси ўз кучини йўқотганлиги ҳақида хабар қилинди.*

# ТЕРМИНАЛ ҚАНЧАГА ТУШАДИ?

Ўзбекистон Марказий банки ҳамда «UZKART» Банклараро тўлов тизими Банклараро мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан 2012 йилда сўм пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатишга доир янгиланган тарифлар тасдиқланди.

Банклараро тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда сўм пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан амал қилиниши лозим бўлган тарифлар

| *Т/р* | *Хизмат турлари* | *Ўрнатилган тариф* |
|---|---|---|
| 1 | **Банк пластик карточкаларини эмиссия қилишда банк хизматлари ҳақи:** | |
| 1.1 | Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия лойиҳалари асосида эмиссия қилишда | **Бепул** |
| 1.2 | Жисмоний шахс пластик карточкаси (1.1-бандга тегишли бўлмаган) | Мижоз билан келишув асосида (тўлов кунидаги МБ курси бўйича **5 еврогача)** |
| 1.3 | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор пластик карточкаси | Мижоз билан келишув асосида (тўлов кунидаги МБ курси бўйича **20 еврогача)** |
| 1.4 | Тўлов терминали савдо картаси | **Бепул** |
| 2 | **Пластик карточка йўқотилганда ёки шикастланганда уни қайтадан эмиссия қилишда ундириладиган банк хизматлари ҳақи:** | |
| 2.1 | Жисмоний шахсга қайта эмиссия қилишда | Тўлов кунидаги МБ курси бўйича **5 евро** |
| 2.2 | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорнинг корпоратив карточкаси | Мижоз билан келишув асосида (тўлов кунидаги МБ курси бўйича **25 еврогача)** |
| 3 | **Сўм пластик карточкага техник хизмат кўрсатишда [illegible]ладиган банк хизматлари ҳақи:** | |
| 3.1 | [illegible]ўм пластик карточканинг амал қилиш муддатини узайтириш (амал қилиш муддати 5 йил) | **Бепул** |
| 3.2 | Пластик карточкани блокировка ҳолатидан чиқариш | **Бепул** |
| 3.3 | Пластик карточкани «стоп-лист»га қўйиш (барча турдаги пластик карточкалар учун) | **Бепул** (илгари 1 000 сўм) |
| 4 | **Банк томонидан савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган тўлов терминаллари инкассация қилинганда олинадиган комиссион тўловлар ҳақи:** | |
| 4.1 | Банкнинг ўз мижозлари учун | **Бепул** |
| 4.2 | Бошқа банк мижозлари учун | **Бепул** |
| 5 | **Нақд пул маблағлари терминал ёки банкомат орқали ечилганда комиссион тўловлар ҳақи:** | |
| 5.1 | Банкнинг ўз мижозлари учун | **Бепул** |
| 5.2 | Бошқа банк мижозлари учун | **Бепул** |
| 6 | **Банк томонидан терминалларни ижарага беришда ҳамда аҳоли томонидан инфокиосклар ва банкоматлардан фойдаланишда олинадиган комиссион тўловлар бўйича:** | |
| 6.1 | Юридик шахсларга тўлов терминалларини ижарага бериш (ойлик) | Мижоз билан келишув асосида (тўлов кунидаги МБ курси бўйича **15 еврогача)** (илгари 20 еврогача) |
| 6.2 | Якка тартибдаги тадбиркорларга тўлов терминалларини ижарага бериш (ойлик) | Мижоз билан келишув асосида (тўлов кунидаги МБ курси бўйича **5 еврогача)** (илгари юридик шахсларга бўлганидек 20 еврогача) |
| 6.3 | Тўлов терминалини таъмирлаб бўлмайдиган даражада ишдан чиқариш ёки уни йўқотиш ҳолларида қўлланиладиган жарима санкциялари | Тўлов терминалининг қолдиқ қиймати ва қўшимча равишда тўлов терминали туридан келиб чиққан ҳолда мижоз билан келишув асосида (тўлов кунидаги МБ курси бўйича **40 еврогача)** |
| 6.4 | Инфокиоск ва банкомат орқали банк хизматлари кўрсатишда | **Бепул** |
| 7 | **Жисмоний шахсларнинг пластик карточкасидан маблағлар ишлатилиши бўйича ҳақ:** | |
| 7.1 | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидан маблағлар чиқим қилинганда | **Бепул** |
| 8 | **Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига маблағлар нақд пулда ва нақд пулсиз тартибда кирим қилиниши бўйича ҳақ:** | |
| 8.1 | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига нақд пул кирим қилинишида | **Бепул** |
| 8.2 | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия тўловлари нақд пулсиз кирим қилинишида | **Бепул** |
| 8.3 | Аҳолининг нақд пулда шакллантирилган банк депозит ҳисобварақларидаги омонат маблағларини ўз пластик карточкаларига ёки бошқа шахсларнинг банк пластик карточкаларига ўтказиб берилишида | **Бепул** |
| 8.4 | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига бошқа маблағлар нақд пулсиз кирим қилинишида | Мижоз билан келишув асосида **(3%гача)** |

*Изоҳ. Ушбу тарифларда кўзда тутилмаган бошқа хизмат турлари бўйича ҳақ миқдори тижорат банки бошқаруви томонидан мустақил тариф асосида белгиланади.*

## Бизнинг маслаҳатлар

# АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАСИ ҚАНДАЙ СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАЙДИ?

***Адвокатлик бюросида фақат бир ўзим фаолият юритиб келаётганим боис, бухгалтерия ва бошқа барча ишларни ўзим бажариб келаман.***

***Иш ҳақимга ажратилган суммадан:***

***– 25% миқдорида ягона ижтимоий тўлов;***

***– 4,5% миқдорида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;***

***– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб, тўлаб бораман.***

***Менинг кўрсатилган юридик ёрдам учун тушган сумманинг маълум миқдорини бюрони сақлаб туриш харажатларига ва қолган маълум миқдорини иш ҳақимга ажратишим ва иш ҳақимга ажратилган суммадан юқорида қайд этилган ажратмаларни ҳисоблаган ҳолда иш юритишим қай даражада тўғрилиги, умуман адвокатлик бюроси қандай солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаши лозимлиги, уларга қандай имтиёзлар белгиланганлиги ҳақида батафсил жавоб беришингизни илтимос қиламан.***

**Адвокатлик бюроси адвокати.**

– Шуни эътиборга олиш лозимки, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг (1998 йил 25 декабрдаги 721-I-сон) 11-моддасига кўра, адвокатура нотижорат ташкилот бўлиб, фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Адвокатурадаги штатлар жадвали, мансаб маошлари ва маъмурий-хўжалик харажатларнинг сметалари молия органларида рўйхатдан ўтказилмайди.

Хусусан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг *(1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон)* 2-моддасига кўра, адвокатлик бюроси – даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Шу билан бирга, адвокатлик бюроси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларини ҳимоя қилиш мақсадларида тузилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ «Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади», яъни адвокатура жамоат ташкилоти ҳисобланади, унинг зиммасига Конституция томонидан юкланган вазифа бўлиб ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг *(1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сон)* 5-моддасига асосан, жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат:

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади. Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, адвокатура қайд этилган фаолият турлари билан шуғулланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмайди, яъни юридик хизматлар кўрсатишда даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади деб билмайди.

Адвокатлик тузилмалари (хайъатлари, фирмалари, бюролари)-нинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари бўлиб, масалан, банклар томонидан депозит ҳисобварағида маблағлар қолдиқларига ҳисоблаб ёзилган, мол-мулкни ижарага беришдан олинган фоизлар ҳисобланиши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасига кўра, адвокатлик бюролари ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари сирасига кириб, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлайди, шунингдек қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланади.

Солиқ кодексининг *(СК)* 391-моддасида белгиланишича, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирма ва бюролари нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида фаолиятнинг адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этиладилар, қуйидагилар бундан мустасно:

божхона тўловлари;

6-бетда

# 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан хорижий валюталар расмий курси ДИНАМИКАСИ*

| Ўзгариш ойи | Ўзгариш санаси | 1 Англия фунт стерлинги | 1 АҚШ доллари | 1 евро | 1 Туркия лираси | 1 Швейцария франки | 10 Жанубий Корея вони | 10 Япония иенаси | 1 Россия рубли | 1 Украина гривнаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Январь | 4 | 2549,41 | 1640,55 | 2167,07 | 1061,78 | 1753,66 | 14,57 | 201,94 | 54,05 | 206,06 |
| | 11 | 2554,39 | 1643,86 | 2172,21 | 1045,71 | 1704,19 | 14,67 | 197,91 | 54,16 | 206,54 |
| | 18 | 2610,98 | 1647,41 | 2150,47 | 1062,85 | 1708,58 | 14,78 | 198,77 | 55,00 | 207,14 |
| | 25 | 2635,57 | 1650,84 | 2213,36 | 1048,95 | 1720,34 | 14,73 | 199,47 | 55,01 | 207,82 |
| Февраль | 1 | 2623,48 | 1654,25 | 2276,08 | 1023,54 | 1756,48 | 14,74 | 201,66 | 55,76 | 208,61 |
| | 8 | 2673,21 | 1657,19 | 2273,25 | 1046,14 | 1738,01 | 14,98 | 201,56 | 56,34 | 208,62 |
| | 15 | 2667,25 | 1660,70 | 2263,07 | 1046,11 | 1708,36 | 14,78 | 199,58 | 56,64 | 209,05 |
| | 22 | 2701,35 | 1664,52 | 2256,13 | 1054,23 | 1760,65 | 14,88 | 200,33 | 56,89 | 209,59 |
| Март | 1 | 2681,69 | 1667,20 | 2284,20 | 1043,83 | 1797,52 | 14,79 | 204,16 | 57,61 | 210,19 |
| | 10 | 2718,50 | 1670,15 | 2310,24 | 1046,92 | 1792,20 | 14,97 | 202,91 | 58,97 | 210,43 |
| | 15 | 2687,56 | 1674,18 | 2320,08 | 1057,47 | 1801,16 | 14,79 | 203,94 | 58,47 | 210,98 |
| | 23 | 2735,54 | 1677,73 | 2339,97 | 1066,44 | 1856,92 | 14,96 | 207,23 | 59,14 | 211,10 |
| | 29 | 2691,79 | 1681,00 | 2381,34 | 1082,00 | 1825,19 | 15,09 | 205,63 | 59,56 | 211,24 |
| Апрель | 5 | 2717,17 | 1684,02 | 2370,17 | 1102,32 | 1822,34 | 15,50 | 199,93 | 59,36 | 211,56 |
| | 12 | 2759,94 | 1686,18 | 2406,52 | 1116,82 | 1859,07 | 15,55 | 199,15 | 59,96 | 211,71 |
| | 19 | 2753,11 | 1689,23 | 2443,30 | 1118,25 | 1890,36 | 15,50 | 203,67 | 59,86 | 212,02 |
| | 26 | 2793,46 | 1691,57 | 2442,02 | 1113,39 | 1907,50 | 15,63 | 206,57 | 60,54 | 212,36 |
| Май | 3 | 2825,57 | 1694,80 | 2490,30 | 1113,46 | 1952,76 | 15,88 | 208,05 | 61,62 | 212,77 |
| | 11 | 2782,07 | 1697,11 | 2504,25 | 1102,38 | 1939,11 | 15,71 | 210,72 | 61,35 | 212,98 |
| | 17 | 2749,65 | 1699,52 | 2428,53 | 1064,40 | 1904,86 | 15,55 | 210,08 | 61,02 | 213,01 |
| | 24 | 2757,56 | 1701,78 | 2418,23 | 1068,42 | 1935,16 | 15,57 | 207,89 | 60,96 | 213,30 |
| | 31 | 2807,34 | 1704,00 | 2404,38 | 1062,08 | 2002,11 | 15,77 | 210,92 | 60,60 | 213,53 |
| Июнь | 7 | 2805,15 | 1706,61 | 2453,21 | 1085,91 | 2045,31 | 15,85 | 212,69 | 61,22 | 214,04 |
| | 14 | 2774,43 | 1708,92 | 2495,60 | 1083,65 | 2022,63 | 15,73 | 212,42 | 61,49 | 214,32 |
| | 21 | 2763,35 | 1711,05 | 2445,43 | 1071,95 | 2012,53 | 15,78 | 213,35 | 60,72 | 214,59 |
| | 28 | 2730,08 | 1713,80 | 2451,01 | 1044,05 | 2047,06 | 15,78 | 212,24 | 60,85 | 214,95 |
| Июль | 5 | 2760,47 | 1716,82 | 2454,12 | 1065,82 | 2024,55 | 16,15 | 212,71 | 61,64 | 215,36 |
| | 12 | 2751,78 | 1719,97 | 2478,85 | 1054,29 | 2052,72 | 16,24 | 216,00 | 61,67 | 215,78 |
| | 19 | 2772,89 | 1722,40 | 2426,31 | 1039,22 | 2120,40 | 16,23 | 217,97 | 61,24 | 216,08 |
| | 26 | 2810,62 | 1724,94 | 2447,42 | 1013,95 | 2123,00 | 16,35 | 220,10 | 62,23 | 216,40 |
| Август | 2 | 2840,57 | 1727,00 | 2487,80 | 1024,20 | 2182,48 | 16,46 | 223,01 | 62,39 | 216,65 |
| | 9 | 2833,68 | 1729,12 | 2456,00 | 991,13 | 2274,56 | 16,05 | 221,51 | 61,02 | 216,92 |
| | 16 | 2819,52 | 1731,36 | 2470,68 | 974,59 | 2195,21 | 16,05 | 225,44 | 58,80 | 217,21 |
| | 23 | 2858,04 | 1734,14 | 2490,36 | 973,58 | 2206,85 | 16,01 | 226,01 | 59,24 | 217,56 |
| | 29 | 2843,09 | 1736,77 | 2499,49 | 993,18 | 2154,80 | 16,09 | 226,73 | 60,15 | 217,87 |
| Сентябрь | 6 | 2814,98 | 1739,47 | 2520,71 | 993,47 | 2205,77 | 16,29 | 226,64 | 59,86 | 218,21 |
| | 13 | 2760,37 | 1741,78 | 2446,11 | 969,27 | 1963,23 | 16,17 | 224,77 | 58,66 | 218,47 |
| | 20 | 2737,43 | 1744,25 | 2389,84 | 978,05 | 1977,16 | 15,54 | 226,79 | 57,13 | 218,76 |
| | 27 | 2699,54 | 1746,60 | 2379,84 | 952,81 | 1918,08 | 14,75 | 228,70 | 54,40 | 219,05 |
| Октябрь | 4 | 2720,97 | 1750,27 | 2369,07 | 942,63 | 1921,26 | 14,82 | 227,37 | 54,51 | 219,53 |
| | 11 | 2739,20 | 1754,21 | 2336,88 | 954,41 | 1905,30 | 15,00 | 228,62 | 54,48 | 220,03 |
| | 18 | 2776,67 | 1757,83 | 2401,98 | 959,15 | 1965,59 | 15,33 | 227,70 | 56,72 | 220,40 |
| | 25 | 2810,47 | 1761,61 | 2427,14 | 957,87 | 1995,48 | 15,48 | 231,06 | 56,22 | 220,87 |
| Ноябрь | 1 | 2822,38 | 1765,53 | 2474,08 | 1007,44 | 2027,01 | 15,92 | 222,95 | 59,05 | 221,31 |
| | 8 | 2834,64 | 1769,22 | 2453,05 | 1004,33 | 1980,54 | 15,87 | 226,42 | 57,36 | 221,69 |
| | 15 | 2848,82 | 1772,98 | 2429,08 | 1000,89 | 1969,54 | 15,84 | 229,84 | 58,08 | 222,11 |
| | 22 | 2796,89 | 1776,59 | 2408,73 | 974,01 | 1936,34 | 15,59 | 231,27 | 57,46 | 222,50 |
| | 29 | 2758,81 | 1780,22 | 2390,05 | 949,81 | 1917,51 | 15,42 | 229,32 | 56,37 | 222,81 |
| Декабрь | 6 | 2783,70 | 1783,85 | 2383,14 | 977,72 | 1936,23 | 15,78 | 228,82 | 57,90 | 223,26 |
| | 13 | 2795,00 | 1787,54 | 2391,64 | 970,43 | 1929,97 | 15,62 | 230,29 | 56,62 | 223,72 |
| | 20 | 2770,91 | 1791,38 | 2349,31 | 950,54 | 1907,14 | 15,20 | 229,81 | 56,39 | 224,21 |
| | 27 | 2803,61 | 1795,00 | 2341,97 | 947,23 | 1917,74 | 15,59 | 230,25 | 57,43 | 224,68 |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бухгалтерия ҳисоби, статистика ва валюта операциялари бўйича бошқа ҳисобот юритиш, шунингдек божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган. Курслар ЎзР МБнинг мазкур курслар бўйича валюталарни сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятларисиз белгиланган.*

# АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАСИ ҚАНДАЙ СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАЙДИ?

5-бетда

ягона ижтимоий тўлов*;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим;

тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

Адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланган тартибда тўланади.

Шунингдек, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига асосан, адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Адвокатлар палатасининг юридик маслаҳатхонани ташкил этган ҳудудий бошқармаси ушбу юридик маслаҳатхонанинг таъминоти учун қўшимча маблағлар ажратади.

Ушбу Қонуннинг 12-моддасига кўра, адвокат давлат ижтимоий суғуртаси бўйича барча нафақа турларини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади. Адвокатга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган фондлар тузишга ҳақлидирлар.

Адвокатларнинг даромадларига солиқ солиш тартиби СКнинг 392-моддаси билан тартибга солинади. Адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган гонорарлар суммаларига белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Бунда адвокатнинг даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи объектидир.

Адвокатнинг даромади адвокат томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган сумма билан адвокатлар ҳайъатлари, фирма ва бюроларини сақлаб туриш учун ўтказилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ солинадиган база адвокат даромадидан адвокат гонорарида ҳисобга олинадиган ягона ижтимоий тўлов чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Адвокатларнинг даромадларига солиқ солиш СКнинг 184-188-моддаларига мувофиқ солиқ агентлари – адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари томонидан амалга оширилади.

Жумладан солиқ солинадиган база ҳисоб-китоби учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

**Сб = (Ф х 100) / 100 + С),**

бу ерда:

**Сб** – солиқ солинадиган база;

**Ф** – адвокатнинг гонорари билан адвокатлик бюроларини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар ўртасидаги фарқ;

**С** – ягона ижтимоий тўлов ставкаси.

***МИСОЛ.*** *Адвокатнинг у кўрсатган юридик ёрдами учун гонорари 350 000 сўмни ташкил қилади. Адвокатлик бюросини сақлаб туришга адвокатдан мунтазам тушум сифатида ушланадиган сумма 105 000 сўмни ташкил этади.*

*Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25%ни ташкил қилади. Адвокатнинг гонораридан солиқ солинадиган база 196 000 сўмни (350 000 – 105 000) х 100 / (100 + 25) ташкил қилади. Ушбу суммага белгиланган тартибда (шкала бўйича) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** солинади.*

*Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий суғурта бадали ва ШЖБПҲга бадални адвокатнинг даромадларидан тўлов манбаида, яъни адвокатлик бюроси ушлаб қолади.*

*Ягона ижтимоий тўлов адвокатнинг гонорарида ҳисобга олинади (адвокатлиқ бюроларини сақлаб туришга бадални чегирган ҳолда) ва 49 000 сўмни (245 000 х 25 / 125) ташкил қилади.*

*4,5% миқдорида ижтимоий суғуртага бадал 196 000 сўмдан ҳисоблаб чиқарилади ва 8820 сўмни ташкил қилади.*

*ШЖБПҲга 1% миқдоридаги бадал суммаси 1960 сўмни ташкил қилади.*

*Бунда адвокатнинг иш ҳақи тарзидаги қўлига оладиган суммаси солиқ солинадиган базадан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий суғурта бадали ва ШЖБПҲга бадални чегириб ташлаган ҳолда аниқланади.*

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган тартибда иш юритишингиз тавсия этилади.

***Жавобни экспертимиз***
***Ғуломжон ТЎЛАГАНОВ***
***тайёрлади.***

---

**2011 йилда фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 4,5% миқдорида, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25% миқдорида белгиланган (Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорининг 3-банди).*

***2011 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига 8-иловада белгиланган.*

# ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ БОШЛАЙМИЗ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг* 7-бандини ижро этиш мақсадида 2012 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари ишлаб чиқилди. Мазкур индекслар кўрсатилган Низомга мувофиқ тайёрланган ҳамда асосий фондларни навбатдаги қайта баҳолашда қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири сифатида корхона ва ташкилотлар учун маълумот тарзида чоп қилинмоқда.***

***Б.МИРУСМОНОВ,***
***Давстатқўм раисининг биринчи ўринбосари.***

**МАИМҚВ, МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

**2012 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатиладиган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектлар қийматини (уларни харид қилиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича)**

## ҚАЙТА БАҲОЛАШ ИНДЕКСЛАРИ

| *Асосий фондларнинг гуруҳлари ва кодлари* | *1990 йилгача (1990 йил ҳам киради)* | *1991–2002 й.й.* | *2003–2009 й.й.* | *2010 й.* | *2011 й.* | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | *I чорак* | *II чорак* | *III чорак* | *IV чорак* |
| **1. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари (10000 – 10018)** | | | | | | | | |
| М-1 гуруҳи | 1,030 | 1,087 | 1,121 | 1,144 | 1,127 | 1,074 | 1,022 | 1,000 |
| М-2 гуруҳи | 1,019 | 1,076 | 1,110 | 1,133 | 1,116 | 1,063 | 1,012 | 1,000 |
| М-3 гуруҳи | 1,009 | 1,065 | 1,099 | 1,121 | 1,105 | 1,053 | 1,002 | 1,000 |
| М-4 гуруҳи | 1,000 | 1,055 | 1,088 | 1,110 | 1,094 | 1,042 | 1,000 | 1,000 |
| М-5 гуруҳи | 1,000 | 1,044 | 1,077 | 1,099 | 1,083 | 1,032 | 1,000 | 1,000 |
| **2. Иншоотлар (20000 – 20382)** | | | | | | | | |
| М-1 гуруҳи | 1,030 | 1,087 | 1,121 | 1,144 | 1,127 | 1,074 | 1,022 | 1,000 |
| М-2 гуруҳи | 1,019 | 1,076 | 1,110 | 1,133 | 1,116 | 1,063 | 1,012 | 1,000 |
| М-3 гуруҳи | 1,009 | 1,065 | 1,099 | 1,121 | 1,105 | 1,053 | 1,002 | 1,000 |
| М-4 гуруҳи | 1,000 | 1,055 | 1,088 | 1,110 | 1,094 | 1,042 | 1,000 | 1,000 |
| М-5 гуруҳи | 1,000 | 1,044 | 1,077 | 1,099 | 1,083 | 1,032 | 1,000 | 1,000 |
| **3. Узатиш қурилмалари (30000 – 30124)** | 1,062 | 1,121 | 1,156 | 1,180 | 1,162 | 1,105 | 1,047 | 1,014 |
| **4. Машиналар ва ускуналар** | | | | | | | | |
| 4.1. Куч машиналари ва ускуналар (40000 – 40719) | 1,033 | 1,090 | 1,125 | 1,148 | 1,141 | 1,101 | 1,039 | 1,017 |
| 4.2. Ишчи машиналар ва ускуналар (41000 – 46119) | 1,033 | 1,090 | 1,125 | 1,148 | 1,141 | 1,101 | 1,039 | 1,017 |
| 4.3. Ўлчов ва бошқарув асбоб ва қурилмалари, лаборатория жиҳозлари (47000 – 47066) | 1,033 | 1,090 | 1,125 | 1,148 | 1,141 | 1,101 | 1,039 | 1,017 |
| 4.4. Ҳисоблаш техникаси (48000 – 48010) | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 |
| 4.5. Бошқа машина ва ускуналар (49000 – 49303) | 1,033 | 1,090 | 1,125 | 1,148 | 1,141 | 1,101 | 1,039 | 1,017 |
| **5. Транспорт воситалари (50000 – 50709)** | | | | | | | | |
| Енгил автомобиллар | 1,061 | 1,120 | 1,155 | 1,179 | 1,178 | 1,121 | 1,017 | 1,010 |
| Бошқа транспорт воситалари | 1,033 | 1,090 | 1,125 | 1,148 | 1,141 | 1,101 | 1,039 | 1,017 |
| **6. Асбоб-ускуналар (60000 – 60002)** | 1,018 | 1,074 | 1,108 | 1,131 | 1,126 | 1,092 | 1,038 | 1,018 |
| **7. Ишлаб чиқариш ва хўжалик анжомлари, мебелсиз (70000 – 70002, 70005 – 70012)** | 1,018 | 1,074 | 1,108 | 1,131 | 1,126 | 1,092 | 1,038 | 1,018 |
| **8. Мебель (70003 – 70004)** | 1,022 | 1,079 | 1,113 | 1,136 | 1,122 | 1,093 | 1,065 | 1,012 |
| **9. Ишчи ва маҳсулдор моллар (80000)** | 1,000 | 1,099 | 1,197 | 1,221 | 1,176 | 1,120 | 1,071 | 1,017 |
| **10. Кўп йиллик кўчатлар (90000 – 90021)** | 1,028 | 1,086 | 1,120 | 1,143 | 1,131 | 1,094 | 1,056 | 1,028 |
| **11. Кутубхона фондлари** | 1,001 | 1,057 | 1,090 | 1,112 | 1,088 | 1,036 | 1,026 | 1,013 |
| **12. Бошқа асосий фондлар** | 1,001 | 1,057 | 1,090 | 1,112 | 1,103 | 1,073 | 1,042 | 1,019 |
| **13. Қурилиши тугалланмаган объектлар** | 1,069 | 1,128 | 1,164 | 1,188 | 1,171 | 1,102 | 1,026 | 1,006 |
| **14. Ўрнатилмаган ускуналар** | 1,033 | 1,090 | 1,125 | 1,148 | 1,141 | 1,101 | 1,039 | 1,017 |

***Минтақалар гуруҳлари:***
**М-1 гуруҳи** – Тошкент ш.
**М-2 гуруҳи** – Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари
**М-3 гуруҳи** – Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари
**М-4 гуруҳи** – Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари
**М-5 гуруҳи** – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

***Изоҳ.*** *Асосий фондлар кодлари 1990 йилги Амортизация ажратмаларининг ягона меъёрларига мувофиқлаштирилган.*

*Ташкилотлар балансидаги турар жой фонди объектлари, уларни қайта баҳолашга доир бошқа меъёрий ҳужжат бўлмаса, 1,0 коэффициенти билан қайта баҳоланади.*


## Эълонлар

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 14 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "LATOFAT FAYZ" | 205874225 | 18.11.2005 | 000820-01 | Чилонзор 30-40-18 | 10-1117/20212(21)-т |
| "FAXRIDDIN SAGBON SAVDO" | 300365946 | 23.03.2007 | 001477-01 | Чилонзор 26-1-21 | 10-1117/20207(21)-т |
| "FAYZULLA BARAKA TAOM" | 301960181 | 15.04.2011 | 004428-01 | Чилонзор 22-мавзе, "Қариялар оромгоҳи" биноси | 10-1117/20208(21)-т |
| "SUNNAT BRANCH" | 301983754 | 06.05.2011 | 004498-01 | Чилонзор 26-4-23 | 10-1117/20210(21)-т |
| "FAVORI BIZNES" | 205017514 | 23.04.2003 | 000221-01 | Боту 3-тор кўч., 9 | 10-1117/20211(21)-т |
| "SPANCH BURGER" | 301675282 | 06.08.2010 | 003904-01 | Чилонзор 26-28-45 | 10-1117/20206(21)-т |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчак тамғаси ва думалоқ муҳри ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биноси, 3-қават, 4-хонада қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 22 декабрдаги қарорларига асосан Олмазор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Раҳбар исм-шарифи | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|
| "KEEN PROGRESS" МЧЖ | 207052804 | Абдиев Дилшод | Сағбон т-9, 11 | 10-1114/21184-т |
| "GEOLOG-TAOM" ХК | 300927364 | Ибрагимов Аҳмаджон | С.Раҳимов 1-тор кўч., 10 | 10-1114/21176-т |
| "DOLCE VITA TEXTILE (BY MURANO)" МЧЖ | 301573838 | Ким Зоя | Қорасарой-316 | 10-1114/21179-т |
| "RABBIT SUPER PLYUS" МЧЖ | 302030468 | Мирзааҳмедова Фарида | Зарқайнар, Уйланиш тор кўч., т-5, 18 | 10-1114/21177-т |
| "GULZIRA VOLIDAM" МЧЖ | 301736332 | Фаязов Нажмиддин | Себзор, 28-48 | 10-1114/21172-т |
| "SAN'AT REKORD" ХК | 300875493 | Пак Елена | Юнусобод-17, 7-10 | 10-1114/21182-т |
| "NAIL-TAOM" ХК | 301680816 | Давлятшин Еаиль | Олимпия м-в, 13-29 | 10-1114/21185-т |
| "PERFEKT-PETROL" ХК | 206967764 | Содиқов Абдушукур | М.Ғолиб кўчаси, 1-20 | 10-1114/21183-т |
| "PALEOGEOSERVIS" МЧЖ | 301443040 | Далимов Тўрабек | И.Раҳимов кўч., 124 | 10-1114/21171-т |
| "ALEKS-KONSALT" ХК | 301125340 | Шуклин Александр | Қорақамиш, 2/4, 25-33 | 10-1114/21174-т |
| "VALERIY BUILD GLOBAL" МЧЖ | 301822431 | Ташиянц Валерий | Ангрен-5 массиви, 2-61 | 10-1114/21178-т |
| "DENTA PLYUS-SA" МЧЖ | 206955130 | Маҳмудова Зулфия | Форобий кўч., 1-4 | 10-1114/21173-т |
| "SHARIF-MUXABBAT-SAVDO" ХК | 300432507 | Ғафуржонов Фаррух | Намуна кўч., 23а | 10-1114/21175-т |
| "SHAXRIYOR SHAXRIZODA" МЧЖ | 300715952 | Ибрагимова Нигина | Олимпия м-в., 14-88 | 10-1114/21181-т |
| "XUMOR IXLOS" ШК | 204755175 | "Ихлос" ног.талабалар уюш. | Хамудхонова кўч., 2 | 10-1114/21180-т |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

**Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2011 йил 22 ноябрда ва 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ Яккасарой туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисида қабул қабул қилинган ва тугатиш ҳаракати бошланган:**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "EXPRESS AZFAR" МЧЖ | 10-1108/19733 |
| "MORAD INTEKS" МЧЖ | 10-1108/19728 |
| "ORIF FAYZ SAVDO" МЧЖ | 10-1108/19727 |
| "CENTRE INVEST LOGISTICS" МЧЖ | 10-1108/19730 |
| "IZZATILLA TAOMLARI" ХК | 10-1108/19732 |
| "MOHIJAHON NUR SAVDO" МЧЖ | 10-1108/19729 |
| "INOM SAVDO" ХК | 10-1108/19731 |
| "PROMPT SERVICE" МЧЖ | 10-1108/19735 |
| "PURPLE GOLD SOURCE" МЧЖ | 10-1108/19736 |
| "MIURIYA DIXINI SERVIS" МЧЖ | 10-1108/19737 |
| "AVIATIME" ХК | 10-1108/19738 |

***

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "AGENT INTERNATIONAL SERVIS" МЧЖ | 10-1108/20780 |
| "ILDAM MEDIA" ХК | 10-1108/20783 |
| "KUATRO BIZNES SAVDO" МЧЖ | 10-1108/20782 |
| "MEDES" МЧЖ | 10-1108/20781 |
| "SIONA ENTERPRISE" МЧЖ | 10-1108/20779 |

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат мобайнида Яккасарой тумани Ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ушбу корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади.

